



ОИЛАДА МАНИПУЛЯТИВ МУНОСАБАТЛАР

*Шарафутдинова Хадиҷаҳон Гулямутдиновна,
ТерДУ психология фанлари номзоди, доцент*

Аннотация: Мазкур мақола оиласда деструктив шахснинг манипулятив муносабатларини ўрганишга бағишиланган бўлиб, унда оила ва оиласий муносабатларнинг хусусиятлари, оиласда деструктив шахс муаммоси, деструктив шахс манипулятив муносабатларининг муҳим жиҳатлари ёритилган. Шунингдек низоли ўзбек оиласарида эр-хотинларнинг манипулятив муносабатлари даражаси тадқиқоти натижалари баён этилган.

Калим сўзлар: оила, муносабат, деструктив шахс, манипуляция, манипулятив муносабат

Аннотация: Данная статья посвящена изучению манипулятивных отношений деструктивной личности в семье, в которой описаны особенности семьи и семейных отношений, проблема деструктивной личности в семье, важные аспекты манипулятивных отношений деструктивной личности. Также представлены результаты исследования уровня манипулирования парами в конфликтных узбекских семьях.

Ключевые слова: семья, отношение, деструктивная личность, манипуляция, манипулятивное отношение

Abstract: This article is devoted to the study of the manipulative relations of a destructive personality in the family, which describes the features of the family and family relations, the problem of a destructive personality in the family, and important aspects of the manipulative relations of a destructive personality. The results of a study of the level of manipulation of couples in conflict Uzbek families are also presented.

Key words: family, attitude, disruptive person, manipulation, manipulative attitude

Оилани асраб, унинг мустаҳкамлиги учун курашиш руҳий олами мукаммал инсонларга хосдир. Зоро, ҳар бир инсон оила атамиш маконга туғилган онданоқ руҳан боғланади. Нозик туйғулар: баҳт, қувонч, шодлик, севинч кабилар энг аввало оила аъзоларининг иштирокида, оила бағрида туйилади. Оиласдаги илиқ психологик муҳит, ахиллик, ҳамфирқ, бўлиш каби олийжаноб муносабатлар бошқа гуруҳларда такрорланмайди. Айрим оиласарда ана шундай поклик, самимийликни сақлаш ва ривожлантириш учун зарур муносабатлар оиласнинг ҳар бир аъзоси ўз масъуллигини ҳис этиб, ўзаро муносабатларни йўлга қўядилар. Аммо, баъзи оиласарда ахиллик ўрнига ўзаро жанжал, самимийлик ўрнига ҳасад, илиқлик ўрнига совуқ муносабатларнинг ҳукм суриши ҳам сир эмас.

Оиласда ўзаро муносабатларнинг ёмонлашувига сабаб бўлувчи омиллар кўп ва хилма хил. Бундай вазиятларда оиласий низолар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, оиласда эрхотин, ота-она ва фарзанд муносабатлари билан боғлиқ жанжалларга кўпроқ урғу берилади. Лекин, оиласда деструктив хусусиятли шахс мавжуд бўлиши, унинг ўзига хослиги, оиласда муносабатларнинг бузилишига олиб келувчи жиҳатлари, у ҳоҳ аёл, ҳоҳ эрқак, ака ёки ука, опа ёки сингил, ота ёки она, амма ёки хола, тоға ёки амаки ва хоказолар бўлиши мумкинлиги иккинчи даражада колади. Психологик тадқиқотлар эса оиласда битта деструктив шахснинг борлиги ҳам шу оиласдаги муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Деструктив хулқ-атвор психологияда етарли даражада тадқиқ этилмаган, “деструкция”, “деструктив муносабат”, “деструктив хулқ” тушунчаларининг мазмуни, сабаблари чуқур ўрганилмаган.

Кўпчилик тадқиқотлар деструкциянинг хусусан, ўсмирилик даврида кузатиладиган хулқ оғиши, аёл ва эркаклардаги агрессивлик, қотиллик, суицид, террорчилик фаолияти сингари турли кўринишларига эътибор қаратганлар. Кузатишларга кўра деструктивликнинг айрим кўринишлари биолог, генетик, психолог, сексопатолог, тарихчи, ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилган. Муаммони яхлит ҳолда тадқиқ этиш унинг моҳиятини англашга ёрдам бериши мумкинлигини хисобга олганда деструкция муаммоси, деструктив хулқ, унинг сабаблари ва оқибатлари етарли даражада ўрганилмаганлиги муаммонинг





долзарбилигини асослайди.

Мазкур мавзууни чуқур тадқиқ этиш, деструктив хулқ-атвор асосини ва унинг ҳар хил кўринишлари намоён бўлишини таҳлил қилиш, деструктивлик муаммосини ҳал этишнинг жаҳон тажрибасини умумлаштириш инсоннинг вайронкор табиатини жиловлаб туришга ва деструктив майлларни бошқа фаолият соҳаларига йўналтиришга имкон берувчи ижтимоий-психологик механизмларни яратиш имконини бериши мумкин. Олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда инсон деструктив фаолиятига ижтимоий-психологик феномен сифатида баҳо беришга ҳаракат қилинган. Хусусан, унинг биологик, нейрофизиологик, психологик ва ижтимоий асосларини таҳлил қилиш, инсоннинг табиатидан келиб чиқиб, деструктив хулқ моҳиятини тушунтириб бериш мумкинлиги таъкидланади.

Тадқиқотчи Ю.А.Клейберг ўзининг деструктив хулқ-атвор типологиясини ишлаб чиқиша “Шахснинг деструктивлиги ва унинг бузғунчи ҳатти-ҳаракатларга мойиллиги, асосан, унинг индивидуал экспериментал ривожланиш хусусиятлари ва унинг бевосита ижтимоий муҳити билан белгиланади. Гарчи у кўпинча вайронкорлик сифатида қабул қилинсада, ҳозирда мавжудлик учун кескин кураш шароитида миллионлаб йиллар эволюцияси билан шаклланган ҳар бир инсоннинг түгма мулки сифатида қабул қилинади. Шу билан бирга, XIX-XX асрларда фалсафа, социология, биология, психология, нейропсихология ва психофизиологиянинг ривожланиш тажрибаси бу түгма эмас, балки ижтимоий-тарихий масалада баҳслashiшга имкон берадиган фактларнинг тўпланишига олиб келди. Тарихий қарама-карши бўлган жамият шароитида шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида шаклланган инсон ҳатти-ҳаракатларининг бузғунчилик табиатидир.” – деган принципга асосланади.[5]

Инсонлар деструктив хулқ-атворининг моҳиятини тушунишга ушбу ёндашувнинг асосини, албатта, Л.С.Виготскийнинг маданий ва тарихий концепцияси ташкил этади.[2] У ҳар бир шахсни бир-биридан биологик етуклиги ва маданий ривожланишини аниқ ажратиб туради. Биринчиси, шахсиятни шакллантириш учун түгма асос бўлиб, уни албатта эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Иккинчиси, ижтимоийлашув жараёнида шаклланган ва ривожланган шахсий ривожланиш мазмуни, бу ҳар бир инсонни ўраб турган жамиятдаги реал муносабатлар интериоризациясининг самарасидир.

Ўзбекистонлик психолог У.Д.Қодировнинг “Ёшларни деструктив таъсиrlардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари” номли китобида “Инсон деструктив фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида асосий эътиборни ижтимоий-маданий контекстда содир бўладиган нейрофизиологик жиҳатларга қаратган маъқул. Деструкция биологик жиҳатдан асосий, детерминантлашган омил дейишдан кўра, биологик жиҳатдан аҳамиятли деган фикр ҳақиқатга яқиндир. Юқоридаги мулоҳазаларда деструктив фаолиятнинг биологик ва нейрофизиологик асослари баён қилинган бўлиб, унинг психик негизларини ҳам ўрганиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.” –деб таъкидлаган [14]

Оилада деструктив хулқли шахс у ёки бу жиҳатлари билан оиланинг бошқа аъзоларига таъсиr кўrsatiб, уларнинг руҳий оламига путур етказиши мумкин. Жумладан, психологик манипуляциядан фойдаланиб, манипулятив ҳатти ҳаракат ва муносабатлар орқали ўз қурбонига руҳий таъсиr кўrsatiшга ҳам қодир бўладилар.

Психологик манипуляция - бу яширин, алдамчи ва зўравонлик тактикасидан фойдаланган ҳолда манипулятор манфаати учун бошқа одамларнинг хулқ-атворини ўзгартириш мақсадида амалга ошириладиган ижтимоий таъсиr тури ёки ижтимоий-психологик ходисадир[1]. Бундай усуllар манипуляторнинг манфаатларини бошқа одамлар ҳисобига илгари суради, шу туфайли уларни эксплуатацион, зўравонлик, инсофсиз ва ахлоқсиз деб ҳисоблаш мумкин. Маълумки, ижтимоий таъсиr ҳар доим ҳам салбий бўлавермайди[17]. Ижтимоий таъсиr, агар мажбурлаш бўлмаса ва уни қабул қилиш ёки рад этиш хуқукини хурмат қилса, заарсиз ҳисобланади.

Манипуляциянинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у орқали обьектнинг ҳатти-ҳаракатларини дастурлаш мумкин. Манипулятор доим инсоннинг айнан руҳий дунёсини мўлжалга олади. Бунда манипуляция обьектига шахс сифатида қаралмайди. Манипулятор





учун у шунчаки таъсир қўрсатишнинг обьекти бўлади. Агар одам ўзига қаратилган мурожаатларнинг асл моҳиятини билиб турса, яширин мақсадлардан хабардор бўлса, бу ҳолатга манипуляция сифатида баҳо бериб бўлмайди. Шундай экан, манипуляциянинг мақсадлари фош этилган тақдирда, шу вақтдан бошлаб таъсир қўрсатишнинг манипулятив характери йўқолади.

Тадқиқотчи Э.Л.Доценконинг сўзларига кўра, инсоннинг барча ҳаракатлари қадриятлар бўйлаб жойлашиши мумкин: "...бошқасига муносабат сифатида қиймат - бошқасига муносабат сифатида восита"[3]. Биринчи кутб (субъектив) бошқа одамнинг ички қийматини тан олишни, у қандай бўлиш хуқуқига эга бўлишни назарда тутади. Бу муносабат ҳамкорлик истаги, тенг хуқуқли муносабатлар ўрнатиш, юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, тушунишга тайёрликда намоён бўлади.

Иккинчи кутб (объектив) эса, аксинча бошқа одамга ўз мақсадига эришиш учун курол сифатидаги "керак - фойдалан - керак эмас-четга суриш, халақит беради-йўқот" муносабатини назарда тутади. Бундай муносабат бошқа одамга эгалик қилиш, уни бошқариш истаги, тушунмаслик, уни тушунишга уриниш ёки истакнинг йўклиги, стереотипик ғояларга бир томонлама қараашда кўринади.

Бироқ, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча шаклларини бу ёки бошқа нуқталарга боғлаш мумкин эмаслигини таъкидлаб, Э.Л.Доценко ўзаро манипулятив муносабатларнинг қўйидаги беш турини аниқлаган:

- **Хукмронлик:** - манфаатлари хисобга олинмаган нарсага ёки мақсадларга эришиш воситаси сифатида шеригига муносабат; - устунликка эга бўлиш, уни бошқариш истаги; - бир томонлама қарааш, шериги ҳақида стереотипик фикрларнинг мавжудлиги; - буйруқ, талаб қилиш (зўравонлик, тазийқ ва ишонтириш).

- **Манипуляция:** - шеригига "алоҳида турдаги нарса" сифатида муносабат, унинг манфаатлари ва ниятларини эътиборсиз қолдириш; - устунликка эга бўлиш истаги; - бевосита эмас, балки билвосита босим (иғво, алдаш, фитна) билан боғлик яширин таъсирнинг мавжудлиги.

- **Рақобат:** - шеригига хавфли обьект сифатида қарааш; - ундан устун бўлиш истаги, - ҳам яширин, ҳам очиқ таъсирдан фойдаланиш ("нозик" манипуляциянинг айrim турлари, тактик келишувлар).

- **Ҳамкорлик:** -шеригига тенг хуқуқли муносабатда бўлиш; - бошқа одамларнинг манфаатларини бузмасдан, ўзига зарар етказилишининг олдини олиш истаги; - ўзаро таъсир усусларидан фойдаланиш[3].

- **Дўстлик:** - шеригига ўзини ўзи қадрлайдиган шахс сифатида муносабат; - яқин ёки мос келадиган мақсадларга эришиш учун бирлашишга, биргаликдаги фаолиятга интилиш; - ўзаро муносабатларнинг асосий усули сифатида келишувдан (консенсусдан) фойдаланиш [3].

Юқорида келтирилган манипулятив муносабатларнинг ҳар бир тури қайси мақсадни кўзлашидан қатъий назар ундан кўзланган асосий мақсад шеригига таъсир ўтказиш, уни бошқаришдан иборат. Аммо бизнинг тадқиқотимизда оиласда деструктив хулқли шахснинг манипулятив муносабатини ўрганиш асосий мақсад бўлганлиги боис айнан низоли ўзбек оиласаридағи эр-хотинларнинг манипулятив муносабатга мойиллигини ўрганиш учун Бант шкаласи бўйича манипулятив муносабат даражаси ўрганилди. Ушбу шкала 20 та тасдиқлардан иборат бўлиб, синалевчилар уларга муносабатини 5- деярли ҳар доим: 4 – кўпинча: 3 – баъзида: 2- тасодифий: 1 – камдан кам холларда деб билдиради. Синалевчи тўплаган баллари асосида манипулятив муносабатга мойиллиги даражаси аниқланади.

Тадқиқот ишимизда жами 86 нафар респондентлар иштирок этиб, натижা қўйидагicha бўлди: (1-жадвал)

1-жадвал


Бант шкаласи бўйича манипулятив муносабат даражаси (n=86)

	Юқори даража (80 балл)	Ўртачадан юқори даража (60-80 балл)	Ўртачадан паст даража (40-60 балл)	Паст даража (40 баллдан кам)





Сони	17	29	24	16
%	20%	34%	28%	18%

1-расм

Тадқиқот ишимизнинг асосий ғояларидан бири оилавий муносабатлардаги низо, келишмовчилик ва зиддиятларда шу оиласдаги деструктив шахснинг мавжуд бўлиши муҳим сабаблардан саналади. Деструктив хулқли кишида манипуляцион муносабат устунлик қилиши мумкин. Дарҳақиқат, бизнинг низоли оиласлар билан олиб борган тадқиқотимизда респондентларнинг 54 % да манипуляцион муносабат юқори ва ўртачадан юқори даражада эканлиги намоён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Выготский Л.С. История развития высших психических функций // Выготский Л.С. Собр.соч. -М., 1983. Т. 3. С. 5-328.
2. Доценко Э. Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита / — М.: ЧеРо — МГУ, 1997. — С.344.
3. Злоказов К. В. Деструктивность и идентичность личности // Научный ежегодник Ин-та философии и права Урал. отдния Рос. акад. Наук, 2014. № 1.
4. Клейберг Ю. А. Типология деструктивного поведения // Вестн. Краснодар. ун-та МВД России. 2008. № 1.
5. Клейберг Ю.А. Психология девиантного поведения. - М., “Наука”, 2001. - 399 с.
6. Пиз А., Пиз Б. Язык взаимоотношений: мужчина-женщина. – М.2005.
7. Берн Э. Введение в психиатрию и психоанализ для непосвященных. СПб.: МФИН, 1992. С.36
8. Қодиров У. Шахснинг ижтимоий-психологик тузилмасига оид айрим мулоҳазалар. //Таълим муаммолари, 2012 йил, 2-сон.
9. Куликов Л.В. Руководство к методикам диагностики психических состояний, настроений и сферы чувств. Описание методик, инструкции по применению. - СПб.: СПГУ, 2003.
10. PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.
11. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
12. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).
13. Axmedov B. Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati //Journal of Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 01.

